

Жаалқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 МАЙ, ПАЙШАНБА № 92 (597), 1993 йил. Сотувда эркин нархда.

КЕЧА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА БЎЛГАН МАЖЛИСДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АХВОЛНИ МЕЪЁРИЙ ИЗГА СОЛИШНИНГ АНИҚ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

12 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, корпорациялар, уюшмалар ва концернларнинг, ҳудудий бошқарув идораларининг раҳбарлари, вилоятларнинг ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими иштирок этди. Мажлиси республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

1993 йилнинг биринчи чорагида халқ хўжалигини ривожлантириш йуналиши на Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар қандай бораётгани ҳақида Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов маъруза қилди.

Мажлис қатнашчилари иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, базор иқтисодиётини боқичма-боқич янги эътиборга оlib келиш, иқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирларини муҳофиза қилиш, Озғи-оғдат таъминоти, аҳолига маълумот ва молларнинг

муҳим турларини етказиб беришда узилишга йўл қўймайлик масалалари республика раҳбарияти ўтказётган иқтисодий сиёсатда асосий ўрнини эгаллаб тургани таъкидланди. Халқ хўжалигидаги аҳволни меъёрий изга солишнинг аниқ вазифалари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисида Олий Кенгаши Раниси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

(ЎзА).



Суратда: мажлис пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

ОМИЛКОРЛАР БОЗОРИ

Мулкчиликнинг турли шакллари турлича йўсинда бозорларга йўл очётгани шубҳасиз. Сарасини айтганда, бу — ҳаёт тақозоси. Аммо бозорлар ҳақидаги тасаввуримиз ҳаминларнинг халқдан ташқари неч қанчалик етатганимиз ҳам ҳақиқат. Акс ҳолда савдо-сотиқнинг «деҳқон бозори» усули билан овуниб юравермаган бўлардик.

Хусусий ва ширкет дўконларидан иборат янги бозор дастлаб Қўшқўрғон туманида вундуға келтирилди. Район ҳокимлиги, маҳаллий ишбилармонлар, тадбиркорлар унинг ташкилотчи ва таъсисчилари бўлиши. Янги бозорнинг афзал жихатлари кўп. Чунинчи, у «деҳқон бозори» сингари ҳафтада бир кун эмас, ҳар кун ишлайди. Савдога эса қорондан келтирилган, маҳаллий ширкет ҳамда кичик корхоналар, деҳқон ва фермер

хўжаликларни тайёрлаган кенг халқ истеъмолчи буюмлари чиқарилади. Бундай мақсулотлар ҳозир Қўшқўрғонда бисёр. Кенг қўлама амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, боқичма-боқич шаклланиш йўлига ўтган бозор муносабатлари савдо-сотиқ ишлари равангига, дўкону пештахталар тўқинилишига йўл очмоқда. Туман раҳбарлари ҳам қароб ўтиришгани йўқ. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тадбирларига кенг им-

кониявий Шарқ бозорлари манзараси акс этган унча гумбази раста, қўдан-қўп дўконлар, фаворалик катта ҳовуз бунёд этилди. Бу ерда ёпиқ қолда қўрилган катта қишқик савдо анвоми ҳам мавжуд. Янги ширкет бозорига хусусийлаштирилган дўконлар, хусусий ва кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлар тасарруфига берилган растелар ишлаб турибди. Маъмур бозорининг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, у матбуот ва давлат савдоси идоралари билан хусусий тартибда ишлаётган дўкондорлар ўртасида нарх-навоми барқарорлаштириш, тўқин-сочинлигини таъминлаш томон амалий рақобат йўллари очилди.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хоразм вилояти

ФРАНЦИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабевов таниқли тадбиркор жаноб Эдгар Гельфич бошчилигидаги Франция ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

Учрашувда меҳмонлар республика вазирликлари, уюшмалар ва концернлар раҳбарлари билан кўпгина соҳалар бўйича ҳамкорлик қилишга аҳдлашиб олаётганларнинг мамнуният билан қайта эдилад. Жумладан, иккита шакар заводи, бир неча олий даражали меҳмонхона қуриш, ширинликлар ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишга келишиб олингани таъкидланди. Айни пайтда малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам Ҳз-

бекистонга яқиндан ёрдам берилади. И. Жўрабевов француз ишбилармонларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасидаги савб-ҳаракатларига юксак баҳо бериб, иккиталаф аҳдлашувлар Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни мустақкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари Т. Мирқубов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИДАН СЎНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

САФАРБАРЛИК

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТАВИНИ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ УЧУН ОММАВИЙ КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аввал хабар қилганимиздек, вилоятда бўлган кучли жиса ва сел қилар қўлаб йиға яқддий зарар етказган эди. Мутахассисларнинг фикрича, май ойидаги ёғин миқдори норма бўйича 21 миллиметр, Косонсой тумани ҳудудида 39 миллиметрни ташкил эттиш лозим эди. Аммо бу кўрсаткич 55 миллиметрдан ошиб кетди. Натўжада қатқалоқ босган майдонларда бугдой илдизлари ва уна бошлаган чигитларни аччиқ зах, совуқ туپроқ қисиб олган. Тупроққа иссиқ ҳарорат киритиш, захни қочиртиш шу куннинг энг муҳим вазифасидир.

Айни вақтда вилоятда гўза остини юмшатиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Илчи кучи, техника воситалари етарли. Пуштага экилган ва унинг чиққан гў-

залар қатқалоққа бардош беришда, пушта олмадан экилган далалардаги қўлаб минг гектар гўза зах сув билан ҳалдан ташқари вараданган. Лойқа босган жойлар, сув қўлланган майдонлардаги гўзалардан умид қилиб бўлмайди. Бундай жойлар етилиши билан дарҳол қайта чигит экишга киришилади. Шу билан бирга шикастланган бир неча жамоа ва чорвачилик бинолари тикланади, йўллар, ичимлик суви тармоқлари таъмирланади.

Бир сўз билан айтганда, табиий офат оқибатларини тугатиш учун умумвилоят сафарбарлиги давом этмоқда.

Р. ИРИСОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд вилояти республика иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида алоҳида мавқега эга. Чунки унинг ҳудудида жойлашган катта-катта корхоналар, анча ривожланган қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётида салмоқли ўрни тутади.

Вилоят ҳокими П. М. Абдураҳмонов бугунги кунда иқтисод юксалишининг таянч нуқтаси, тамал тоши эканлигини таъкидлади. Умуман, фаоллар Йиғилишида вилоятдаги иқтисодий-сиёсий, иқтисодий аҳволга баҳо берила экан, нотўғри қилинган ишларини ҳақиқий ва ҳолисона баҳолашга иштирдилар, бу соҳалардаги муаммо ҳамда вазифаларни ўртага ташладилар. Вилоят иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги муаммолар эса оғимас.

Самарқандда ҳам қатор ўзгаришлар юз берди. Миллий кадрларнинг тизилиш, миллиятлараро муносабатларини янада яхшилаш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги, асрлар давомида Самарқандга фаёз бахш этиб турган Амир Темур болларининг тикланиши ёш қарининг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Бундан ташқари, вилоятда кейинги йилларда иқтисодий масалаларга ҳам катта эътибор қаратилди.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, уй-жой қурилишини ривожлантириш учун барча иқтисодий ва ишга солинаётган. Маълумотларга қараганда, ҳозир Самарқанд вилояти бу соҳада республикада учинчи ўринда. Қасалхона, поликлиника ва мактаблар қурилиши бўйича ҳам яхши ишлар амалга оширилди.

Албатта, бу ютуқлар тақсинга лойиқ. Лекин фаоллар Йиғилишида таъкидланганидек, ҳеч бир камчилик ютуқлар соясига қилиб кетмаслиги лозим. Чунинчи, Самарқанд аграр вилоятлардан биридир. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик. Пахта бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини белгилайдиган таянч эканлигини энди қўпчилик яхши билади. Лекин ана шу мезондан келиб чиқадиган таҳсинга лойиқ ишлар вилоятда пахтачиликдаги ишлар анча қониқарсиз бўлди. Албатта, бунинг объектив сабаблари бор эса-да, вилоят ҳокими ўз маърузасида айтганидек, ҳақиқий аҳвол баъзи районларда пахтачиликни кўрсатди. Масалан, Пахтачи, Иштихон, Нарпай районларида ҳар гектар ерда 22—25 центнердан ҳосил кўтаришган бир пайтда, Жомбой ва Окдарёда бу кўрсаткич 12 центнердан нарига ўтмади. Натўжада Самарқанд вилояти ўтган йили республикада ўн иккинчи ўринга тушиб қолди.

Умуман, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, фаолларнинг бу йиғилиши асосан танқидий руҳда ўтди. Ҳз-

нинг номатлуқ хатти-ҳаракатлари билан вилоят юзини ерга қаратган кўпгина корхона, хўжалик ва айрим районлар оаҳбариятининг камчиликларини рўй-рост очиб ташлади. Масалан, республикада ягона бўлган ва унда қадқоқланаётган мақсулотга миллионлаб киши муҳтож бир пайтда, Самарқанд чой фабрикасида ҳўкм сурган аҳвол ҳақида атрофчиқа фикр юритилди. Бу корхонанинг 300 миллион сўмлик мақсулот бермаганини ўнлаб камчиликлар билан изоҳланади, деди маърузачи. Фаоллар Йиғилишида «Халқ сўзи» газетасининг 1-1 апрель сониде босилган «Шама» сарлавҳали мақоладаги ушбу фабрика фаолиятидаги камчиликлар ҳақиқийи кўрсатиб берилгани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, баъзи корхоналарда раҳбарлик лавозимларига ўрнашиб олган олғирларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам вилоят иқтисодиётига оғир оғир зарар келтирётгани оғир-оғир очиб ташланди. Масалан, «Сино» акционерлик компаниясидаги жўнатилган 160 донга «Сино»

(Давоми 3-бетда).

УЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СЎЗИ», МУХБИРЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ҚўРҒОШИН ҚИДИРИБ... ТЕМИР ТОПИШДИ
 ЖУМҲУРИЯТ хазинапарлари Уч-қулоқ қўрғошин-руҳ қони ақнида темир маъдани қонига дуч келдилар.

«САМАРҚАНДГЕОЛОГИЯ» бирлашмасининг Галлаорол геология-қидирув гуруҳи ас-лида Туюқон магнит аномалиясида қўрғошин ва руҳ маъдани излаган эди. Мутахассисларнинг омадлари келиб темир миқдори кўп бўлган маъдан топдилар. Шуниси қувончлики, бу Ўзбекистондаги биринчи темир маъдани қонида.

Келгуси йилнинг бошларигача чуқурлиги 900 метр бўлган 24 та кон-қудуқ қазилади.

МАТО — ХОРИЖДАН, ЧЕВАР — ҲЗИМИЗДАН
 «СЎҒДИЕНА» халқаро асқа марказини «Халқорлик» кичик корхонаси Жиззах матбуот уюмга тинувчилик цехи очди.

МИЖОЗЛАРНИНГ буюртма беришлари осон бўлиши учун бу ерда кўргазма ташкил этилди. Хоҳловчилар чет эл матоларидан тикилган хўшбичам аёллар кийим-кечақлари, халатлар, эркаклар қўйлаги, болаларнинг турли кийимлари намуналарини кўздан кеириб, ўзларига ёққанидан тиктириб кийишлари мумкин.

ҚУНИМИ БОРНИНГ УНУМИ БОР
 ҚИШЛОҚ қурилиши ташкилотчиларидан бири бўлган Эроғаш Ашуров номдаги хотира мукофоти таъсис этилди.

АНДИЖОН вилояти деҳқончилик-санаят мажмуи қурувчилар қасаба уюшмаси таъсис этган бу мукофот тармоқда Янгирма Йилдан кўпроқ ишлаган қурувчиқа аталган. Ҳар йили Наврўз байрами кунини голийбога 25 минг сўм пул ва вилоят даволаш масканларига бепул йўлларга топширилади.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЙЎЛҚИРА ТЕКИН
 СУРХОНДАРЕ вилояти ҳудудида қатнайдиган ҳамма турдаги (енгли тасқидан ташқари) транспорт воситаларида журналистларга бепул юриш ҳўқуқи берилди.

ЖУМҲУРИЯТ оммавий ахборот воситалари ва вилоят газеталари мухбирлари ҳамда телерадиокомпания журналистлари билан ҳо-нимликда бўлиб ўтган учрашув чоғида ана шу имтиёз маълум қилинди. Бу ҳақида қарор 1 майдан қучга кирди.

АНГОР ҚАЛИШИ САВДОГА ЧИҚДИ
 ПАХТА тўзалаш заводи қошида очилган кичик корхона кунига 800 жуфт қалиш ишлаб чиқармоқда.

ЖИЗЗАХНИНГ «Сўғдиена» фирмаси ангорликларга янги қасбни ўлаштиришда катта ёрдам берди. Цехга Молданидан харид қилиб келтирилган замонавий усуналар ўрнатилди. Уларни ўн ишчи бошқаряпти.

Кичик корхона вилоятдаги деярли ҳамма савдо тармоқларига дастлабки мақсулотни етказиб бериди.

ЭЛЕКТР УҒРИЛАРИ КЕЧИРИЛМАЙДИ
 ЭЛЕКТР қуввати нархи бир неча баробар ошганинига қарамай, аҳолидан тушейган гўлов пули арзанмаган фомз ошди, қолса.

ТАРМОҚ электр ўғриларидан катта зарар кўраётгани сабабини назорат қучайтириладиган бўлди. Энди ҳамма хонадонлар йилнинг ҳар чорагида бир марта текширилади. Тўй-ҳашам ва бошқа тантаналарда сарфланган электр қуввати шун олдидан ҳақ тўлаш керак бўлади. Ҳар қандай қонда бузишлар келтириган зарар ундириб олинмагунча, электр қуввати узиб қўйилади.

АЙБИ БОРНИНГ ТИЗАСИ ҚАЛТИРАР
 БИР ОДАМГА шунча қуроп-яроғ, тоғарлик ва атлас тўқийдиган даст-гошлар нимага керак бўлди экан!

НАМАНГАН шаҳар давлат автомобил шаорати ходимлари «Москвич-412» марка-ли машинасини тўхташиб, ҳайдовчининг ҳуж-жатларини текшираётганларида, автомобил ичида ўтирган йўловчи қандайдир туғунини яшириб, қочинча тушди.

Йўловчи ушланиб, уйи тинтув қилинганда, қурулу дастгоҳлардан ташқари 230 метр қонатлас ва 5 қон вискоза унаги топилади. Ҳозир тергов идоралари унга эгасининг бу айблардан нима мақсадларда фойдаланигани аниқламоқда.

ЯНГИЛИКЛАР

Жамол ҚАМОЛ,
Ўзбекистон халқ шоири

РУБОЙЛАР

Наврўзи жаҳон, жаҳонда боринг ахши,
Шабнамни, фараҳли полдоринг ахши.

Очдинг яна кўксимда кўнгилнинг кўзини,
Еқдинг яна кўнгилда Зухал юлдузини.

Дўст тинглади юз карра менн, англамади,
Душман менн англади, вале тингламади.

Иилларча забунлик менга тақдир бўлди,
Рухида кишан, оёқда занжир бўлди.

Ишрат ва ҳаром жаҳонда бир-бирга таянч,
Сарват ва мақом замонда бир-бирга суянч.

Инсоф била иш тутки, дённат бўлгай,
Инсоф йўлидан чиқма, хийнат бўлгай.

Мулқингда магарни боғ эмас, даштлик бор,
Кўнглингда ҳамма гўсса бор, гашилик бор.

Мен хаста нетайки хастақондир санамим,
Кўп нуқта эди, энди саволдир санамим.

Эй ёр, юзингга термулб тўймасман,
Ҳар лаҳза кўзингга термулб тўймасман.

Ҳой, сондаги бу кибру ҳаво кимга керак!
Вой, мандаги бу меҳру вафо кимга керак!

Е раб, шу бандога ўзинг инсоф бер,
Тш оқно хандага ўзинг инсоф бер.

Ўқитма бировни, сен сира ўқитма,
Намтар эса, сен-да нам тутиб, камситма.

Эй сенки ниқоф бўлди ишинг, фитна ҳунар,
Шумликда кечиб ёзу кишинг, фитна ҳунар!

Дунё сенга кўйдим, сен ҳамон кўймассан,
Дунё сенг кўйдим, сен ҳамон кўймассан.

Дийдамни қуруқ айлама, баъзан ёш бер,
Даф этгани итларни таёқ бер, тош бер.

Ед этмаса Ҳақ, ким сени ҳақ айлар!
Шод этмаса Ҳақ, ким сени шод айлар!

Кўнглинг сари кўнглим саридан йўл топдим,
Кўл чўздиму гоҳи меҳрибон кўл топдим.

Эй банда, бировга бемонлик қилма,
Эл наздида номини гушмонлик қилма.

Эй масҳаравоз, бугунча омад сенки,
Дор устидо уйнаганда қомат сенки.

Қайларга етарсан оқибат, нафис бузуқ!
Кўз ёши етарсан оқибат, нафис бузуқ!

«От-от!» деса, бирни ўн қилиб отган ўзинг,
«Ет-ет!» деса, ерга мук тушиб ётган ўзинг.

Ев макрига қондинг, эй Бухороий Шариф,
Гулхан каби ёндинг, эй Бухороий Шариф.

Эй сен, яна қўпликка йўриқ истарсан,
Кўпликни яна ҳўлу қуруқ истарсан.

Мустамлака бўлмагин, элим, энди сира,
Мустамлака бўлмагин, элим, энди сира.

Ез бўлсини кўз бўлсини ё қиш бўлсини,
Кўнглида Худюю кўлда бир иш бўлсини.

Дунёи фанога кеча бор, кундуз бор,
Кундузда кўш, туналар ой, юлдуз бор.

Тонг бирла дилимга бир ажиб туйғу келар,
Шом бирла кўнглимга бир сувқ қайғу келар.

Утган кеча уйқумда ажаб туш кўрдим,
Ой парчаси чехрангни яна тўш кўрдим.

Жон олғувчидир гоҳида, жоно, қулишинг,
Жоно қулишинг, иозу таманно қулишинг.

Ул юзи санам юргусидир, тургусидир,
Жонимга ситам гамзасидир, қулгусидир.

Гулдек очилиб туришларинг масту аласт,
Гулдек очилиб туришларинг масту аласт.

Эй банда, бу дунёда ишинг гижбадабанг,
Ишратда кечиб, ёзу кишинг гижбадабанг.

Шом ўтди тун етди, тиларман уйқу,
Ҳасрат мени қон этди, тиларман уйқу.

Ҳайрат билан қайларга етарсан, умрим!
Ҳайрат билан қайларга етарсан, умрим!

Май касасига агарчи тегмас лабимиз,
Май касасини лабо-лаб ичган қабимиз.

Дунё, мени кўй, ёнига келма, нари тур,
Ичмоққа яна қонимга келма, нари тур.

Хўп, де, шу нафас шамолга унсак сану ман,
Гулбарра тутиб, уймага бошлай санм ман.

Жон сақлаш эди шор мазлумлар учун,
Қон сақлаш эди шор мазлумлар учун.

Ул кимсани кўй, тариқати бошқа эмас,
Ҳақ дейди, бирок ҳақиқати бошқа эмас.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • БОКС

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган со- чемпионати бўлиб ўтмоқда. Григорян АҚШ боксчиси С.
нида хабар қилганимиздек, У ердан янги хабар олдик.
шу кунларда Финляндиянинг Яна бир ҳамоиртизим, 63,5 кг Луини мағлуб этиб кейинги
Тампере шаҳрида 7-жаҳон вазида қатнашган Артур Боскича йўлланма олди.

РЕГБЕ

ҚОЗОҒИСТОННИНГ Толди- 19:0 Новоқузнёқ шаҳрида бўлиб
қурғон шаҳрида ўтаётган рег- ҳисобида мағлуб этган терма
бе буйича аёллар ўртасидаги жамоамиз 22 очко тўплаган
Марказий Осиё лигаси бирин- ҳолда Олмаотанинг «Никии
чилигининг иккинчи тур учра- жамоаси билан бирга пеш-
шуварли яқунланди. Сўнгги уч- қадамлик қилишяпти. Навбат-
рашувда Новоқузнёқ шаҳри- даги тур ўйинлари июнь ойда

АЗАМАТНИНГ СОВҒАШИ



«МЕХНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» ўйингоҳида МХСК — «Нефт-
чи» урчушуви тугаши билан
олий табақа биринчилигининг
ўйинлар жадалига қарадик.
Негаки, 14 май МХСК жамоа-
сининг истизои, республикамиз
футболнинг ривожланишига
кўл меҳнати синган, футболчи
лислар ҳурматию қозонган
Биродар Абдураимовнинг ту-
рилган кун эди. Шунн ҳисоб-
га олиб, ўтган йилги чемпион

чининг кетма-кет ҳужумлари
билан бошланди. Фарғоналик-
лар маҳорат жиҳатдан ҳар
бийчиларга нисбатан тажри-
бали, жисмоний жиҳатдан ҳам
бақувват бўлганликлари унун
МХСК ҳимоясини тез-тез ёриб
ўтиб туришди. Шундай ҳужум-
ларнинг бирида А. Федоров
ҳисоби очди. Уйин майдон
марказидан бошланди. Фарғо-
налиқлар яна тўпни эгзллаб
ориб, олдинга ташланди.
«Нефтчининг» шаштига қараб,
бугунги ўйин ийрик ҳисоба
яқунланса керак, деб ўйлади.
Йук, ўн бешинчи дақиқада
МХСК жамоасининг қарши
ҳужуми дарвозанинг аниқ ни-
шонига олиниши билан тугади.
Уни Азамат Абдураимов бир
нечта ҳимоячилар қуршовида
туриб, чиройли амалга ошир-
ди. Бу тўп ҳарбийларнинг
руҳиятига таъсир қилди. Улар
ўйин охиригача ҳушёр ўйнаб,
«Нефтчининг» кескин, шиддат-
ли ҳужумларига қарамай, ҳи-
собни ушлаб туришга эришди-
лар. Демак, Азамат чемпион
билан бўлган оғир ўйинда
муҳим тўпни киритиб Биродар
Абдураимовга биринчи сов-
гани ҳадя қилди, десак бўлади.

Расул ЖУМАЕВ.

ШОҲМОТ

Table with columns: №, қатнашчилар, шаҳри, унвони, натижалар, О, Д, М, О. It lists participants in the Uzbekistan 58th Championship, Oliy Liga (Erkaklar).

ИЗОҲ: 2-4 ўринлар қўшимча кўрсаткичларга биноан аниқланди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Тошкентда Туркия-Ўзбекистон эрлар ҳусусий ли-
цейи очилганига бир йил бўлиб қолди. У республика
Халқ таълими вазирилик билан Туркия мумҳурияти-
нинг «Силма» таълим-тарбия ширкати ўртасидаги кели-
шимга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу
или максаида юздан ортиқ бола тахсил олмақда.

еттига шундай лицей ишлаб
турибди.
— Лицейга кимлар қабул
қилинади?
— Биз ўқишга танлашда
болаларнинг саводига, билим
даражасига, энг муҳими —
заҳинга аҳамият берамиз.
6-8-синфни битираётган ўғил
болалар таст синовида ўта-
дилар. Саволлар эса ўқувчи-
га таниш йиллик дастур
асосида тузилади.

ри эканини айтиб, бу фирмни
мильярига қуйсангиз, шу-
нинг ўзи кифоя. Фарзандлар-
ни ўқитиш билангина чеклан-
май, рағбатлантира билиш,
ҳам керак. Таътил бошлани-
ши билан энг ахши ўқувчи-
ларимизни Туркияга олиб ке-
тамыз. Тендошлари билан
урчашсинлар, уларнинг ту-
риш-турмушини ўз кўзлари
билан кўрсинлар. Ахир, дунё
кўраглариинг фикрлаши
ҳам дунёча бўлади-да!

ЛИЦЕЙДА БИР КҮН

Танлов асосида саралаб
олинган болалар қандай
ўқитганини билиш, бу
даргоҳнинг шарт-шароити
билан ахшироқ танишиш
ниятида Султонали Маш-
ҳадий кўчасидаги 307-мактаб
биносига жойлашган лицей-
га бордик. Ҳаммаёқ ораста,
батариб, тушдан кейин бўл-
гани учунми, ўқувчилар кў-
ринмайди. Йўлакда таниш-
ганимиз — муаллим Рафур
Солиҳов бизни мудир, хона-
сига бошлар экан:

Шу пайт эшик очилиб,
бир хил кийинган, бири-
бирдан ўзинча тайёрилиги
сезилб турган болалар ки-
риб келишди.
— Илгари қайси мактабда
ўқитгансан? — деб сўрайман
ўзини Жаҳонгир деб танит-
ган болалар.
— 22-мактабда, — дейди
у.

Лицейимизга киришни
хоҳлайдиганлар ўзлари ўқи-
ётган мактаб маълумотида
мувожаат этишлари зарур.
Рағбарлардан бири лицейга
кириш истаси бўлган ўқув-
чилар рўйхати билан сифт
журналини ҳужжат қабул
қилувчи вақилга олиб келиб
топширади. Илтиҳон топши-
рувчининг баҳолари «4» ва
«5» бўлиши, у ўсимлар билан
ишлаш назоратининг
рўйхатида турмаслини шарт.
Бундан ташқари, 3x4 ўлчама-
да иккита сурат, соғини ҳа-
қида маълумотнома топши-
рилиши лозим. Олтинчи
синфдагилар 15 май кунн,
сақизиқчи синфдагилар 16
май кунн Тошкент шаҳрининг
белгиланган мактабларида
илтиҳондан ўтадилар. Яна
шунн таъкидланми керакики,
лицейимизда ўқувчилар турк
тилдин мукамал ўрганади-
лар, химия, биология, фи-
зика, математика фанлари
инглиз тилида ўқитилади.

УСКИ ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ
ЯКИМУРҒОН району ҳоким-
лиги яқинда яна бир хайрли
ишга қўл урди. Наврўз хай-
рия тadbирларидан тушган
маблагнинг бир қисми район
мактабларида таълим олаёт-
ган 50 нафар кўнгли ярим,
ота-онасиз болаларга сарф-
ланди. Уқувчиларнинг ҳар би-
рига 5 минг сўмлик кийим-
бош соғва қилинди.

ЭЪЛОН
КОНСОРЦИУМ ТЕКНЕСТС = INFO
Янги келган махсулотлар
IBM PC/AT - 286, 386, 387 негизда дастурий-
техникавий мажмулар.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кеиғаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирғаб БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-
ДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир
ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Алек-
сандр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИ-
РОВ, Мухаммадқон ҚОРАБОВ, Саидхоро ҒУЛОМОВ.

«Халқ сўзи» редакцияси
жамоаси газета ходими А.
Носировга отаси
Мансурхон НОСИРОВ-
нинг вафот этганлиги муно-
сабати билан чуқур ҳамдард-
лар, химия, биология, фи-
зика, математика фанлари
инглиз тилида ўқитилади.
Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
Ў.А. муҳбир.

«Олмос» республика ул-
турки-чакана савдо бирлаш-
маси жамоаси бирлашми-
савдон ташкил этиш бўли-
ми бошлиғи А. Зиёмухаме-
довга акаси
Ақром ЗИЕХҲАЖЕВ-
нинг вафот этганлиги муно-
сабати билан чуқур таъзия
изҳор қилади.